

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМШИЕВ ЖАЪФАР АБДУСАЛИМОВИЧ

**УЗУМ НАВЛАРИНИ ВЕРТИКАЛ ХУДУДЛАРДА ЕТИШТИРИШНИНГ
АГРОБИОЛОГИК ВА САҚЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

УЎК: 634.8+664.8

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences**

Шамшиев Жаъфар Абдусалимович

Узум навларини вертикал худудларда етиштиришнинг агробиологик ва сақлашнинг технологик параметрларини илмий асослаш..... 3

Шамшиев Жафар Абдусалимович

Научное обоснования агробиологические особенности выращивания и технологических параметров хранения на вертикальных регионов 19

Shamshiev Jafar Abdusalimovich

Scientific substantiation of agrobiological features of cultivation and technological parameters of storage in vertical regions 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 39

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

ШАМШИЕВ ЖАЪФАР АБДУСАЛИМОВИЧ

**УЗУМ НАВЛАРИНИ ВЕРТИКАЛ ХУДУДЛАРДА ЕТИШТИРИШНИНГ
АГРОБИОЛОГИК ВА САҚЛАШНИНГ ТЕХНОЛОГИК
ПАРАМЕТРЛАРИНИ ИЛМИЙ АСОСЛАШ**

06.01.07 – Мевачилик ва узумчилик

06.01.11 – Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва қайта ишлаш

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2022

**Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида
В2022.3.PhD/Qx681 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент давлат аграр университетиде бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tdau.uz) ва «Ziynet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Исламов Соҳиб Яхшибекович

Қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Бўриев Хасан Чутбаевич

биология фанлари доктори, профессор

Одинаев Мирзаамад Исаевич

қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори (PhD)

Етакчи ташкилот:

**Академик М.М.Мирзаев номидаги Боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институтини**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат аграр университети ҳузуридаги DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 рақамли Илмий кенгашнинг 202_ йил «__» _____ соат 15⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тел.: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60; e-mail: tuag-info@edu.uz; Тошкент давлат аграр университети Маъмурий биноси, 1-қават, анжуманлар зали).

Диссертация билан Тошкент давлат аграр университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (539105-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100140, Тошкент, Университет кўчаси, 2-уй. Тошкент давлат аграр университети, Ахборот ресурс маркази биноси. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Диссертация автореферати 202__ йил __ _____ куни тарқатилди.
(202_ йил «__» _____ даги __-рақамли реестр баённомаси).

Э.Т. Бердиев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, к/х.ф.д., профессор.

М.З. Холмуротов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к/х.ф.д. (PhD), доцент

С.А. Юнусов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, к/х.ф.д.,
профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати: Жаҳонда узум хўраки навларини бозор талабларига кўра экспорт ва импорти ҳар йиллик об-хаво ва иқлим шароитларига қараб ўзгариши етакчи ўринлардан бирини эгалламоқда. Дунё миқёсида узумнинг хўраки навларидаги ҳосилдорликни ўсиш динамикаси 4% дан ортиқ бўлиб, умумий ҳисобда дунёдаги етиштирилган хўраки узум навларидан олинган ҳосилдорлик ўрта ҳисобда 23,4 млн тоннани ташкил этди. етиштирилган ҳосилдорлик Хитойда 10,8 млн.тонна, Ҳиндистонда 3 млн.тонна, Италияда 78 минг.тонна, Жанубий Африка Республикасида 300 минг.тонна ва Чили давлатида 500 минг. тоннагача хўраки навлардаги ҳосилдорликни йиллик ўсиши кузатилмоқда, бундан кўришимиз мумкинки узумнинг ҳосилдорлигини ошириш чораларини амалиётга жорий этишни тақозо этади. Шу жиҳатдан етиштирилаётган узумнинг умумий майдони 9,5-10 млн. гектарни, ялпи узум ҳосили 60-70 млн. тоннани ташкил этмоқда. Аҳолини йил давомида узум билан таъминлаш учун сақлаш омборларидан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади.

Жаҳоннинг кўплаб давлатларида узумни сақлаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилган. Олиб борган илмий-тадқиқотларда асосан узумни сақлаш муҳити, унинг қадоқланиши ва нав танлаш бўйича илмий-амалий тавсиялар берилган. Айниқса, Европа ва АҚШ олимлари томонидан узумни етиштириш технологиясига асосий урғу берилиб, аксарият тадқиқотлар винобоп узум навлари бўйича олиб борилган. Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам бир қатор олимлар узумни сақлашга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, узумни сақланувчанлигига уни етиштирилган худуднинг иқлим хусусиятларини таъсири бўйича илмий изланишлар етарлича эмас. Шу сабабли узумни етиштирилган худуднинг эко-географик хусусиятларининг унинг технологик параметрларига боғлиқлигини ўрганиш, сақлаш жараёнлари алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамиз озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, шу билан бирга аҳолига йил давомида сифатли озиқ-овқат етказиб бериш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда мамлакатимизда озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми, уларнинг ассортименти ва экспорт салоҳиятини тубдан оширишга юзасидан кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2022-2026 йилларга мўлжалланган Тараққиёт стратегиясининг 3-йўналишида ҳам «...қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш» бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда, жумладан, узумни етиштириш ва сақлаш жараёнларини илмий асосда амалга ошириш натижасида юқори самарадорликка эришиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 23 октябрдаги

ПФ-5853-сон «Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармони, 2019 йил 29 июлдаги ПҚ-4406-сон «Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини чуқур қайта ишлаш ва озиқ-овқат саноатини янада ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация иши бўйича тадқиқотлар фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналишига мос келади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўсимлик маҳсулотларини, жумладан узумни етиштириш, сақлаш ва қайта ишлаш бўйича кўплаб хорижий олимлардан: А.Colby, W.M.Kliewer, P.Bowen, M.Benz, Pal.Kozma, J.Wolf, K.Zanon., K.Stoll, W.Fetkenheuer, С.Г.Жуковский, П.М.Бондаренко, В.Горбач, С.Ю.Дженеев, Н.П.Бузин, В.И.Полегаев, Н.А.Головкин, П.Ф.Сокол, Н.А.Палилов, Л.Г.Елисеева, Е.П.Широков, В.С.Колодязная, Б.Л.Флауменбаум, А.Ф.Фан-Юнг ва А.Ф.Фельдман каби олимлар томонидан илмий тадқиқотлар олиб борилган бўлиб, бунинг натижасида ўсимлик маҳсулотлари, хусусан узумни сақлаш усуллари ишлаб чиқаришга тадбиқ этилмоқда.

Ўзбекистонда мева ва узум экинларини етиштириш, уларни сақлаш ва қайта ишлаш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари Ш.Темуров, Ю.Джавакянц, М.Мирзаев, М.И.Абдуллаев, Х.Ч.Бўриев, Ж.Р.Файзиев, З.С.Искандаров, А.Ш.Азизов ва М.И.Одинаев каби олимлар томонидан олиб борилган. Таъкидлаш жоизки, Республикаимизнинг эко-географик ҳудудларида турли иқлим шароитларида етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини замонавий совуткичли омборларда сақлашнинг технологик параметрларини асослаш бўйича илмий тадқиқот ишлари деярли тўлиқ бўлмай, ушбу йўналишда чуқур ва атрофлича бўлган илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш долзарб ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Америка кўшма штатларининг қишлоқ хўжалигида қиймат занжирини ривожлантириш USAID лойиҳаси №US-2018090112 “Республиканинг турли минтақаларида етиштирилган узум навларини сақлашни тўғри ташкил этиш орқали экспорт салоҳиятини ошириш” мавзуси асосида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади узум навларини вертикал ҳудудларда етиштиришнинг агробиологик хусусиятлари ва сақлашнинг технологик параметрларини илмий асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли эко-географик ҳудудларида етиштирилган узумнинг Таифи

Розовый навини агро-биологик ва технологик хусусиятларини тадқиқ қилиш;
сақлашга мўлжалланган узумни Таифи Розовый навини идишларга қадоқлашни мақбул меъёрларини ва уларнинг органолептик белгиларини таҳлил қилиш;

узум меваларини агробиологик ва органолептик белгилари орасидаги корреляцион боғлиқликни тадқиқ қилиш;

турли эко-географик ҳудудларда етиштирилган узум маҳсулотларини совутгичли омборларда сақлаш давомийлигини ва сақланувчанлик даражасини ўрганиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида турли эко-географик, вертикал ҳудудлар: текислик-Бухоро вилояти, Жондор тумани; тоғ олди-Самарқанд вилояти Самарқанд тумани; тоғли-Қашқадарё вилояти Китоб тумани ва Тошкент вилояти Паркент тумани, шу вертикал ҳудудларда етиштирилган узумни Таифи Розовый нави, узумни сақлаш технологияси.

Тадқиқотнинг предмети турли эко-географик, вертикал ҳудудларида етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини агро-биологик ва технологик хусусиятлари, сақлашга мўлжалланган узумни идишларга қадоқлашни мақбул меъёрлари ва уларнинг биокимёвий кўрсаткичлари, узум маҳсулотларини совутгичли омборларда сақлаш усуллари ва мақбул муддатлари орасидаги боғлиқликни баҳолаш.

Тадқиқотнинг усуллари. Тажрибалар М.А.Лазаревскийнинг (1946) «Методы ботанического описания и агробиологического изучения сортов винограда», Н.Н.Простосердовнинг (1963) «Изучение винограда для определения его использования», З.С.Искандаровнинг (2005) «Научные основы регулируемого теплового процесса сушки пищевых продуктов высокой влажности» номли услубий адабиётларида келтирилган услублар бўйича амалга оширилган. Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишонччилик оралиғи билан G.E.P.Vox томонидан нашр этилган «Statistics for experimenters: an introduction to design, data analysis and model building» услубий адабиёти ва Б.А.Доспехов (1985) томонидан тавсия этилган услуб бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгиллиги қуйидагилар иборат:

илк бор турли эко-географик ҳудудларда етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини агро-биологик ва технологик хусусиятлари тадқиқ қилинган ва денгиз сатҳидан (1195 м) баландликда, самарали ҳарорат (2900 °C) бўлган тоғли ҳудудларда ҳосилдорлик 29,5 т/га бўлиб, текислик ҳудудларга нисбатан 3-4 т/га юқори эканлиги аниқланган;

тоғли ҳудудларда (Тошкент вилояти “Паркент” тумани) етиштирилган узум меваларининг агробиологик ва органолептик белгилари орасида: ранги (қизғиш), узум донининг узунлиги (2.8 ± 0.9 см), донининг диаметри (235 ± 3.1 мм), шакли (цилиндрсимон) ва банд узунлиги (3.0 ± 1.1 см) билан ўзаро ўртача корреляцион боғлиқлик ($r=0,78$) мавжудлиги исботланган;

турли эко-географик ҳудудларда етиштирилган узумни совутгичли омборларда сақлаш ҳароратини 1,5-2 °C га тушириш учун дастлабки совитиш

жараёнини 6-16 соат давомида амалга ошириш сақлашнинг самарали бўлиши исботланган;

узумни сақлашгача ва совутгичли омборларда 90 кун сақлаш жараёнида маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари: умумий қанд (20,1-20,8 %), биологик фаол моддалар (витамин А (0,3-0,5 %); В₁ (0,1-0,3 %); В₂ (0,2-0,5 %); С (1,7-2,2 %)) миқдори сезиларли даражада ўзгармаганлиги ва сақлаш давомийлигини 90 кунда бўлганда ҳам сифати кескин пасаймаслиги илмий исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

турли эко-географик, вертикал худудларида етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини агро-биологик ва технологик хусусиятлари ўрганилиб, совутгичли омборхоналарда сақлашда дастлабки совитиш жараёнини самарали амалга ошириш (хаво ҳарорати 0,5-1,5 °С, дастлабки совитиш жараёнини 6-16 соат давомида) тўғрисида тавсиялар берилган.

Таифи Розовый узум меваларини совутгичли омборларда сақлаш учун махсус идишларга (пластмассали, ёғочли 40x30x18 см яшиқларда) қадоклаш меъёри 6-8 кг бўлиши тўғрисида амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Лаборатория ва совуқхона тажрибаларининг ҳар йили апробация кўригидан ўтказилганлиги; илмий-тадқиқот ҳисоботлари муҳокама этилганлиги; тажриба маълумотларининг статистик таҳлил қилинганлиги ва олинган натижаларнинг ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги; тадқиқот натижалари Республика ва халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Республикамизнинг эко-географик, вертикал худудларда етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини юқори агро-биологик ва технологик хусусиятлари аниқланганлиги, узумни совутгичли омборларда сақлашнинг технологик параметрларни илмий асосланганлиги, узумни сақлашгача ва сақлашдан кейинги биокимёвий кўрсаткичларини, муҳимлик коэффициенти аниқланганлиги ва улар орасидаги корреляцион боғланиш қонуниятларининг мавжудлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти – тоғ олди ва тоғли худудларда етиштирилган узум маҳсулотларини ўз вақтида териш, махсус идишларга 6-8 кг ҳажмда қадоклаш, совутгичли омборхоналарда хаво ҳарорати 0,5-1,5 °С, дастлабки совитиш жараёнини 6-16 соат бўлганда сақлаш учун тавсия этилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Республикамизнинг турли эко-географик, вертикал худудларида етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини сақлашнинг технологик параметрларини илмий асослаш бўйича олиб борилган тадқиқот натижалари асосида:

узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари учун “Турли минтақаларида етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини сақлаш технологиялари бўйича тавсиянома” ишлаб чиқилган. (Қишлоқ хўжалиги

вазирлигининг 2021 йил 21 декабрда 02/029-5087-сон маълумотномаси). Натижада ушбу тавсиянома узумчиликка ихтисослашган фермер хўжаликларида, совуткичли омборларда махсулотни қадоқлаш меъёрлари, сақлаш усуллари ва муддатлари бўйича қўлланма сифатида хизмат қилган;

узумнинг Таифи Розовый навини совутгичли омборхоналарда жойлаштириш мақсадида қадоқлаш меъёрларини ўрганиш бўйича ишланмаси Тошкент вилояти, Паркент тумани “Заркент универсал” фермер хўжалигида жойлашган қуввати 1000 тонна сиғимли совутгичда ўрганилган бўлиб, махсулотни маҳсус идишларда 6-8 кг ҳажмда совутгич омборхоналарига сақлаш жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 декабрда 02/029-5087-сон маълумотномаси). Натижада тавсия этилган ишланма асосида хўжаликда анъанавий сақлаш усулига нисбатан сифати юқори бўлган махсулотни сақлашга эришилган, иқтисодий самарадорликка эришилиб, рентабеллик даражаси 88 % ни ташкил этган;

узумнинг Таифи розовый навини совутгичли омборхонада сақлашда харорати 0,5-1,5 °С тушириш давомийлигини 6-16 соат этиб белгиланганда Самарқанд вилояти, Самарқанд тумани “Турсунов Асрорхон боғлари” фермер хўжалигида, Бухоро вилояти Жондор тумани “Лазиз Жўра” фермер хўжалигида ва Қашқадарё вилояти, Китоб тумани “Шарипов Қобил Қомиддинович” фермер хўжаликларида қуввати 800 тонна сиғимли совутгичда сақлангандаги ишламаси сақлаш учун жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 декабрда 02/029-5087-сон маълумотномаси). Натижада тавсия этилган ишланмалар асосида хўжаликларда анъанавий сақлаш усулига нисбатан сифати юқори бўлган махсулот олишга эришилган. Рентабеллик даражаси эса 36 -88 % ни ташкил этган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та, шу жумладан 2 та халқаро ва 8 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 4 та мақола, жумладан 4 таси Республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат, диссертациянинг ҳажми 119 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ёритилган, тадқиқотнинг объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг

ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти, уларни жорий этиш тўғрисида маълумотлар, апробация ва иш натижаларининг чоп этилганлиги тўғрисида маълумотлар, диссертациянинг хажми ва қисқача таркиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Турли эко-географик ҳудудларда узум навларини агробиологик, сақлашдаги технологик хусусиятлари ва сақланувчанлик даражасига таъсир этувчи омиллар бўйича манбалар шарҳи**» деб номланган биринчи бобида диссертация мавзуси бўйича хорижий ва республикамиз олимларининг ушбу мавзуда олиб борган илмий тадқиқотлари ва адабий манбалари шарҳланган. Шунингдек, дунёда ва Ўзбекистонда узумни етишириш ҳолати ва сақлашнинг хусусиятлари сақлашга мўлжалланган хўраки узум навларининг терим муддатлари ва терим жараёнларини ташкил этиш, узум маҳсулотларини сақлашнинг турли усулларини қўллаш технологияси, узумни омборларда сақлаш жараёнини ташкил этиш юзасидан адабиётлар маълумотлари тавсифланган.

Диссертациянинг «**Тадқиқотни ўтказилган жойнинг тавсифи, объекти ва услублари**» деб номланган иккинчи бобида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан асосий дала тажрибалари олиб борилган жойнинг тупроқ-иқлим шароити, тадқиқот мақсади, вазибалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари тавсифланган. Ушбу бобнинг «Тадқиқот мақсади, объекти ва услублари» бўлимида ишлаб чиқилган мавзу юзасидан ҳар бир алоҳида тажрибанинг ўтказилиш услублари, дала тажрибалари ва лаборатория таҳлилларини олиб бориш схемалари, тажрибаларда қўлланилган кузатувлар ва ҳисоблар, лаборатория таҳлиллари, шунингдек тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

Диссертациянинг «**Турли экологик-географик, вертикал ҳудудларда етиштирилган таифи розовый узум навини агробиологик ва технологик хусусиятларини баҳолаш**» деб номланган учинчи бобида узумнинг Тоифи навини Республиканинг турли минтақаларида етиштириш ҳолати ва усуллари ҳосилини сақлаш жараёнида муҳим аҳамият касб этувчи омиллар ва уларни бошқариш бўйича олиб борилган тажрибалар натижалари баён этилган. Жумладан, ушбу бобнинг «Турли экологик-географик ҳудудларда Таифи Розовый узум навини агробиологик хусусиятларини тадқиқ қилиш» деб номланган бўлимида узумни агробиологик хусусиятларини тадқиқ қилувчи тажрибалар натижалари келтирилган. Узумнинг агробиологик хусусиятларини таҳлил қилиш жараёнида узум етиштиришда симбағаз усулини қўллашнинг турли шаклларини ўрганиши бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Кузатувлар натижасида маълум бўлдики, турли эколого-географик, вертикал зоналарда етиштирилаётган узумнинг Таифи Розовый навини асосий хусусиятларини таҳлил қилинганда, текислик зоналарида етиштирилган узум ғужумларини ўлчами (мм хисобида) 25x18 мм бўлган бўлса, тоғ олди ҳудудларда Самарқанд вилояти “Самарқанд” туманида 29x20 мм ни, тоғли ҳудудларда Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани 30x22 мм ни ва Тошкент вилояти “Паркент” туманида 29x20 мм ни ташкил этди (1- жадвалга қаранг).

Жадвалдан кўриниб турибдики, турли эколого-географик, вертикал зоналарда етиштирилган узумнинг бир бош ғужум оғирлиги хар хил бўлиб, мухитнинг ва вертикал зоналарнинг таъсири яққол кўзга ташланади. Текислик зоналарда узум ғужум бошининг оғирлиги $600\pm 10,0$ гр ни ташкил этган бўлса, тоғ олди зоналарда $630\pm 18,2$ гр ни, тоғли зоналарда эса $660\pm 22,4$ ва $680\pm 26,5$ гр ташкил этди. Таифи Розовый нави хамма вертикал зоналарда кечпишар нав эканлиги яққол кўзга ташланади.

1-жадвал

Турли эколого-географик худудларда етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини морфобиологик хусусиятлари, 2019-2021 йй.


Эколого-географик, вертикал зоналар	Ғужумининг ўлчами, мм	Ғужумининг оғирлиги, гр	Вегетация даври давомийлиги, кун	Самарал и харорат йиғиндис и, °С	Ҳосилнинг пишиш санаси
Текислик <i>Бухаро вилояти</i> <i>“Жондор”</i> <i>тумани</i>	25x18	$600\pm 10,0$	150-160	4900	10-12/09
Тоғ олди <i>Самарқанд вилояти</i> <i>“Самарқанд”</i> <i>тумани</i>	29x20	$630\pm 18,2$	160-166	3200	15-20/09
Тоғли <i>Қашқадарё вилояти</i> <i>“Китоб”</i> <i>тумани</i>	30x22	$660\pm 22,4$	160-167	3500	12-16/09
Тоғли <i>Тошкент вилояти</i> <i>“Паркент”</i> <i>тумани</i>	29x20	$680\pm 26,5$	162-168	2900	14-16/09

Тажрибалардан маълум бўлдики, турди эколого-географик, вертикал зоналарда етиштирилаётган Таифи Розовый навининг вегетация даври давомийлиги турлича бўлиб, текислик зоналарда 150-160 кун бўлган бўлса, тоғ олди зоналарда 160-166 кунни, тоғли зоналарда эса 160-168 кунни ташкил этди.

Қайси худудларда самарали харорат йиғиндис и °С кўп бўлса, вегетация даврининг қисқалиги ва ҳосилнинг пишиш муддати тезлашганлигини кўришимиз мумкин. Демак, худудларнинг самарали харорат йиғиндис и билан вегетация даврининг давомийлиги орасида ижобий корреляцион боғлиқлик борлиги исботланди.

Ўрганилган Таифи Розовый узум навининг ҳосилдорлик

кўрсаткичларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, текисликда етиштирилган узумнинг ҳосилдорлик даражаси 2019 йилда 24,8 т/га тенг бўлган бўлса, 2020 йилда 26,2 т/га ва 2021 йилда эса 25,6 т/га тенг бўлиб, ўртача ҳосилдорлик 25,5 т/га қайд этилди. Энг юқори ҳосилдорлик тоғли зоналарда етиштирилганда намаён бўлиб, бунда 2019 27,9 т/га тенг бўлиб, 2020 йилда 29,2 т/га ва 2021 йилда эса 28,5 т/га тенг булди (1 - расмга қаранг).



1-расм. Турли эколого-географик, вертикал худудларда етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навининг ҳосилдорлик кўрсаткичлари.

Ўртача ҳосилдорлик 28,5 т/га ташкил этди. Шундай қилиб, тоғли зоналарда етиштирилган Таифи Розовый навининг ҳосилдорлиги текисликда етиштирилган ва олинган узум ҳосилдорлигига қараганда 11,7 – 12,1 % га юқори бўлганлиги аниқланди

Диссертациянинг “Узумнинг Таифи Розовый нави ғужумининг механик хусусиятлари ва биокимёвий таркибини турли эколого-географик, вертикал зоналарида етиштиришга боғлиқлиги” деб номланган бўлимида узумнинг Тоифи нави ҳосилини сақлаш бўйича тадқиқот натижалари баён этилган. Сақлаш учун танланган узум ҳосилини териш сақлашнинг сифатига таъсир этувчи асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Узумнинг Таифи Розовый нави узумбошини механик таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, узум бошидаги ғужумларнинг энг кўп сони узум етиштирилаётган эколого-географик, вертикал зоналарга боғлиқлиги қайд этилди. Ушбу нав узумбошининг ўртача вазни тоғли худудларда етиштирилганда $762,2 \pm 7,9$ г га тенг бўлди. Бу текислик худудларида етиштирилган узум бошини ўртача вазнидан 40-50 г кўпроқ демакдир. Тоғ олди зоналарида етиштирилган узум бошини ўртача вазни $724,2 \pm 6,8$ г га тенг бўлиб, бу кўрсаткич тоғли зоналарда етиштирилган узум бошининг ўртача

вазнига қараганда 36-38 г га камлиги қайд этилди (2-жадвалга қаранг).

Тадқиқотлардан маълум бўлдики, узумнинг етиштириш зоналари узум бошидаги ғужумларнинг ўртача сонига боғлиқлиги намоён бўлди. Энг юқори узум бошидаги ғужумлар сони 108,5±3,4 - 109,4±3,8 дона тоғли зоналарда қайд этилди. Бу кўрсаткич текислик зоналарига қараганда 8-9 дона кўп демакдир.

2-жадвал

Таифи Розовый навининг узумбоши ва ғужумининг механик таркибини узум етиштирилган вертикал зоналарига боғлиқлиги, 2019-2021 йй

Эколого-географик, вертикал зоналар	Узум бошини ўртача вазни, г	Узум бошидаги ғужумлар ўртача сони, дона	Узум бошининг механик таркиби, %			
			шарбати	банди	пўсти ва этининг қаттиқ қисми	уруғи
Текислик <i>Бухаро вилояти</i> <i>“Жондор” тумани</i>	700,4±6,5	100,5±5,1	78,4	3,0	16,6	2,0
Тоғ олди <i>Самарқанд вилояти</i> <i>“Самарқанд” тумани</i>	724,2±6,8	105,4±5,6	80,1	3,2	13,8	2,9
Тоғли <i>Қашқадарё вилояти</i> <i>“Китоб” тумани</i>	760,3±7,3	108,5±3,4	81,2	2,3	13,4	3,1
Тоғли <i>Тошкент вилояти</i> <i>“Паркент” тумани</i>	762,2±7,9	109,4±3,8	80,8	2,5	13,4	3,9
ЭКФ ₀₅	5,6	5,1	-	-	-	-
Sx	0,8	4,8	-	-	-	-


Узум бошининг банди, пўсти ва этининг қаттиқ қисмини улуши тоғли, вертикал зоналарда етиштирилганда 2,5 % ни ташкил этган бўлса, текислик зоналарида етиштирилганда эса 3,0 % ни ташкил этди. Бу ҳолат узум бошининг шарбатини кўп чиқишидан далолат беради. Демак, тоғли зоналарда етиштирилганда шарбатни кўп чиқиши узум бошининг банди ва пўстининг камлигини ифода этади.

Ғужумдаги пўст ва этининг қаттиқ қисмлари ва айниқса уруғининг фоиз улушига ҳам етиштириш ҳудудларига боғлиқ эканлиги тажрибалардан қайд этилди. Текислик, вертикал зоналарида узум бошидан уруғ чиқиши фоизи 2 % га тенг бўлган бўлса, тоғли вертикал зоналарда етиштирилган узумлардан уруғни чиқиши 3,0 -3,9 % га тенг бўлди.

Диссертациянинг «Турли ҳудудларда етиштирилган, сақлашга мўлжалланган узум меваларини идишларга қадоқлашни мақбул

меъёрларини ва сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш» деб номланган тўртинчи бобида узумни сақлаш жараёнидаги бир қатор омилларни хусусиятларини ўрганиши бўйича олиб борилган изланишлар натижалари акс эттирилган.

Ўтказилган илмий тадқиқотларда турли эколого-географик, вертикал ҳудудларда етиштирилган узум навлари меваларининг органолептик белгилари (ранги) ўзгариб бориши кузатилди (2- расмга қаранг).



2-расм. Турли эколого-географик, вертикал ҳудудларда узум мевасини рангларини кўриниши

- А. Текислик ҳудудларида (Бухаро вилояти “Жондор” тумани) узум мевасининг рангини кўриниши*
Б. Тоғ олди ҳудудда (Самарқанд вилояти “Самарқанд” тумани) узум мевасининг рангини кўриниши
В. Тоғли ҳудудларда (Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани) узум мевасининг рангини кўриниши
Г. Тоғли ҳудудларда (Тошкент вилояти “Паркент” тумани) узум мевасининг рангини кўриниши

Таҷрибалардан маълум бўлдики, текислик (Бухаро вилояти “Жондор” тумани) ҳудудларида етиштирилган узум меваларининг ранги оқ бўлиб, донининг узунлиги 2.2 ± 0.5 см, узум донининг диаметри 160 ± 2.1 мм, дон шакли юмалоқ ва узум бошининг банд узунлиги 1.8 ± 0.6 см бўлган бўлса, тоғ олди (Самарқанд вилояти “Самарқанд” тумани) ҳудудларда узум меваларининг ранги пушти, донининг узунлиги 2.3 ± 0.7 см, узум донининг диаметри 195 ± 1.9 мм, дон шакли цилиндрсимон ва узум бошининг банд узунлиги 2.3 ± 1.0 см эканлиги аниқланди.

Тоғли (Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани) ҳудудларда эса ушбу кўрсаткичлар қуйидагича бўлди: узум донининг узунлиги 2.3 ± 0.7 см, узум донининг диаметри 183 ± 2.3 мм ва узум бошининг банд узунлиги 2.1 ± 0.9 см.

Тошкент вилояти “Паркент” туманида етиштирилган узум меваларининг ранги (қизғиш), узум донининг узунлиги (2.8 ± 0.9 см), донининг диаметри (235 ± 3.1 мм), дан шакли (цилиндрсимон) ва банд узунлиги (3.0 ± 1.1 см) жиҳатидан бошқа ҳудудларга нисбатан барча кўрсаткичлар бўйича юқори даражада бўлганлиги исботланди. Бундан кўриниб турибдики, тоғли ҳудудларда етиштирилган узум мевасининг дон узунлиги, диаметри, шакли ва банд узунлиги бўйича бошқа ҳудудларга нисбатан устунликда бўлганлиги аниқланди.

Текислик (Бухаро вилояти “Жондор” тумани) ҳудудида қадоқланган мевалар оғирлиги 6-8 кг, ҳарорат $0,5-1,5$ °С бўлганда узум мевалари 10 кундан сўнг вазн йўқолиши 80-93 гр, 20 кундан кейин 73-85 гр, 30 кундан

кейин 67-80 гр, 40-50 кундан сўнг 48-75 гр, 60-70 кундан кейин 42-70 гр вазн йўқотган бўлса, 80-90 кундан сўнг вазн йўқолиши сусайиб 38-61 гра тенг бўлганлиги аниқланди. Ушбу ҳудудда мева оғирлиги 10 кг бўлганда 10 кундан 90 кунгача сақланганда вазн йўқолиши 74-118 гр гача бўлган бўлса, қадоқланган мева оғирлиги 12-14 кг бўлганда сақлангандан кейинги вазн йўқолиши 8,9-9,5 %ни ташкил этганлиги кузатилди.

3-жадвал


Эколого-географик, вертикал ҳудудларда етиштирилган узум маҳсулотларини қадоқлаш меъёрларини ва сақлаш муддатларини сақланувчанлик даражасига боғлиқлиги (2019-2021йй.)

Эколого-географик, вертикал ҳудудлар	Яшиқдаги узум массаси, кг	Сақлаш муддатлари, кун/гр									Вазн камайиши, %
		10	20	30	40	50	60	70	80	90	
Текислик <i>Бухаро вилояти, “Жондор” тумани</i>	6	80	73	67	51	48	44	42	38	37	8,0
	8	93	85	80	75	73	70	64	61	55	8,2
	10(St)	118	109	104	99	94	89	84	79	74	8,5
	12	162	142	124	121	116	105	101	99	98	8,9
	14	198	183	175	166	130	123	120	118	117	9,5
Тоғ олди <i>Самарқанд вилояти “Самарқанд” тумани</i>	6	91	83	77	61	48	34	32	28	26	8
	8	93	85	80	77	74	67	64	62	54	8,2
	10(St)	122	112	106	100	94	88	82	76	70	8,5
	12	170	149	133	121	116	100	97	92	90	8,9
	14	194	179	170	154	136	129	125	122	121	9,5
Тоғли <i>Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани</i>	6	80	73	67	49	46	42	40	36	35	7,8
	8	98	87	77	73	71	68	62	53	51	8,0
	10(St)	114	104	99	94	89	84	79	76	71	8,1
	12	152	139	121	112	104	99	96	93	92	8,4
	14	185	172	164	155	119	113	110	108	106	8,8
Тоғли <i>Тошкент вилояти “Паркент” тумани</i>	6	82	71	64	48	44	42	38	34	33	7,6
	8	93	85	78	73	67	65	56	54	53	7,8
	10(St)	116	104	100	95	90	81	74	71	69	8,0
	12	149	132	119	109	106	98	92	90	89	8,2
	14	179	167	159	145	122	108	105	103	102	8,5

Тоғ олди (Самарқанд вилояти “Самарқанд” тумани) ҳудудларда сақлангандан кейинги энг кам вазн (8,0-8,2%) йўқолиши 6-8 кгда аниқланган бўлса, энг юқори вазн (8,9-9,5%) йўқолиши 12-14 кгли вариантимизда бўлди. Бунда текислик ҳудудларига нисбатан сақлангандан кейинги вазн йўқолиши фарқланмади.

Тажрибалар давомида, тоғли (Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани) ҳудудларда етиштирилган 6-8 кгли қадоқланган узум мевалари сақланишдан кейинги вазн йўқотиш кўрсаткичи 7,8-8,0 %, 10 кгда эса 8,1 % ва 12-14 кгли вариантимизда сақлашнинг дастлабки 10 кунлигида шиддат билан (152-185 гр) ўз вазнини йўқотганлиги аниқланди. Демак, узум мевалари сақлашга қўйилган биринчи 10 кунликда вазн йўқолиши юқори бўлиши исботланди.

Тоғли хууднинг Тошкент вилояти “Паркент” туманида қадоқланган мева оғирлиги 6 кг бўлганда сақлаш муддати 10 кундан кейин 82 гр, 20 кундан сўнг 71 гр, 30 кунда 64 гр, 40 кунда 48 гр, 50 кунда 44 гр, 60 кунда 42 гр, 70-90 кундан кейин 33-38 гр га тенг бўлганлиги аниқланди. Қадоқланган мева оғирлиги 14 кг бўлганда сақлангандан кейинги вазн йўқолиши 8,5 % ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, энг кам сақлангандан кейинги вазн йўқолиши (7,6 %) бошқа вариантларга нисбатан Тошкент вилояти “Паркент” тумани эканлиги исботланди.



3-расм. Совуткичли омборларда узум меваларини сақлаш муддатлари билан органолептик кўрсаткичларини ўзаро боғлиқлиги, 2019-2021 йй.

Тажрибалар давомида эколого-географик, вертикал хуудлар кесимида муҳимлик коэффиценти кўрсаткичларини узум меваларини сақлашгача ва сақлашдан кейинги даврдаги баҳоси ўртасидаги боғлиқлик ўрганилганда текислик (Бухоро вилояти “Жондор тумани”) хуудида сақлашгача бўлган муддатда умумий баҳоси 88,9 бални ташкил этган бўлса, 90 кун сақлангандан кейин умумий баҳоси 82,1 баллга тенг эканлиги аниқланди.

Тоғ олди (Самарқанд вилояти “Самарқанд тумани”) хуудларида узум меваларини сақлашгача бўлган муддатда умумий баҳоси 91,5 балл бўлса, 90 кун сақлангандан сўнг умумий баҳоси 81,8 балл.

Тоғли (Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани) хуудимизда совуткичли омборларда узум меваларини сақлашгача ва сақлашдан кейинги муҳимлик коэффиценти текислик ва тоғ олди хуудларимиздагидан деярли фарқ қилмади.

Тошкент вилояти “Паркент” туманида етиштирилган узум меваларида ўрганилганда сақлашгача бўлган даврда умумий баҳоси 97,4 баллни, 90 кун сақлангандан кейин эса умумий баҳоси 89,1 балл эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, эколого-географик, вертикал хуудларда етиштирилган узум меваларини сақлашгача ва сақлашдан кейинги органолептик баҳоси орасида сезиларли фарқ кузатилмади. Бу, шундан

далолат берадики, барча ҳудудларимизда совуткичли омборларда ҳар хил муддатларда сақланаётган узум мевалари органолептик хусусиятлари ва товарбоплиги жиҳатидан стандарт талабларга тўлиқ жавоб беради

Олиб борилган тажриба натижаларига кўра узумнинг Таифи Розовый нави ҳосилини 90 кун давомида сақлаб, кейин уни сотувга чиқариш натижасида турли ҳудудларда ҳар хил иқтисодий самарадорлик намоён бўлди. Бу кўрсаткич тоғли ҳудудда (Тошкент вилояти “Паркент” тумани) 88,89% ни, тоғ олди ҳудудда (Самарқанд вилояти “Самарқанд” тумани) 63,83% ни, текислик (Бухоро вилояти “Жондор” тумани) ҳудудда 36,63% ни ва тоғли (Қашқарарё вилояти “Китоб” тумани) ҳудудда эса 81,15% ни ташкил этди.

ХУЛОСА

1. Турли эколого-географик ҳудудларда етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини вегетация фазалари давомийлиги йиллар кесимида ўрганилганда иқлим, об ҳаво ва бошқа турдаги ташқи омиллар ҳисобига ўзгариб бориши аниқланди. Текислик ҳудудларида ўртача вегетация даври 155 кун, тоғли ҳудудларда ўртача вегетация эса 166 кунни ташкил этди.

2. Турли эко-географик ҳудудларда етиштирилган узумнинг Таифи Розовый навини агро-биологик ва технологик хусусиятлари тадқиқ қилинган ва денгиз сатҳидан (1195 м) баландликда, самарали ҳарорат (2900°C) бўлган тоғли ҳудудларда ҳосилдорлик 29,5 т/га бўлиб, текислик ҳудудларга нисбатан 3-4 т/га ёки 11,7-12,1 % га юқори эканлиги аниқланган.

3. Таифи Розовый навининг ғужумлари йирик бўлиб, етиштириш ҳудудларига боғлиқ бўлди. Текислик ҳудудларда йирик ғужумларнинг ҳажми 25x18 мм, узум бошлар 600 г, тоғ олди ҳудудларида етиштирилганда эса 29x20, узум бошлар 630 г, тоғли ҳудудларида етиштирилганда эса 30x22 мм, узум бошлар эса 660-680 г гача ўзгарганлиги узумнинг турли эколого-географик ҳудудларда етиштирилиши билан боғлиқлигини изоҳлаш мумкин.

4. Ғужумини эзиш учун сарфланган энг кўп оғирлик тоғли ҳудудларда 2218 г ни ташкил этган бўлса, текислик ҳудудларда эса бу кўрсаткич 1915 г га тенг бўлди, яъни, бу кўрсаткич текислик вариантыга нисбатан эзиш учун сарфланган кўрсаткичдан 303 г га юқори бўлди. Бу эса унинг траспортбеллигини энг юқори эканлигини кўрсатадиган миқдордир.

5. Узумнинг Таифи Розовый навини ғужуми шарбатининг биокимёвий таркиби етиштириш ҳудудларига боғлиқ. Энг юқори кўрсаткич тоғли (Тошкент вилояти “Паркент” тумани) ҳудудда етиштирилганда умумий углеводларнинг миқдори 27,8 %; глюкоза 12,7 %; фруктоза 11,9; сахароза 3,2 % эканлиги аниқланди.

6. Энг юқори кислоталик текислик ҳудудларида етиштирилган Таифи Розовый навининг шарбатига қайд этилди. Ушбу шарбатнинг кислоталиги текислик вариантыда $4,8 \pm 0,2$ % га тенг бўлиб, тоғли ҳудудларда етиштирилган вариантга нисбатан 1,6 % га кўп бўлганлиги қайд этилди.

7. Тоғли ҳудудларда (Тошкент вилояти “Паркент” тумани) етиштирилган узум меваларининг агробиологик ва органолептик белгилари орасида: ранги (қизғиш), узум донининг узунлиги ($2,8 \pm 0,9$ см), донининг

диаметри (235 ± 3.1 мм), шакли (цилиндрсимон) ва банд узунлиги (3.0 ± 1.1 см) билан ўзаро ўртача корреляцион боғлиқлик ($r=0,78$) мавжудлиги исботланган.

8. Узум меваларини совуткичли омборларда сақлаш жараёнида қадоклашдаги маҳсулот вазнининг меъёри 6-8 кг, ҳарорат $0,5-1,5$ °С, дастлабки совитиш муддати 6-16 соат гача бўлиши энг мақбул меъёр деб белгиланди.

9. Тоғли (Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани; Тошкент вилояти “Паркент” тумани) ҳудудларда етиштирилган узум мевалари сақлашгача (0) умумий қанд миқдори 20,1-20,8 % бўлган бўлса, сақлашдан 90 кун ўтгандан кейин 0,8-1,0 % га, кислота миқдори сақлашгача (0 кун) бўлган муддатда бошқа вертикал ҳудудларга нисбатан тоғли (Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани) ҳудудда 0,3-0,5 % га пастлиги кузатилди.

10. Турли хил ҳудудларда етиштирилган узум меваларини сақлаш муддатларини биологик фаол моддаларга боғлиқлиги ўрганилганда сақлаш муддатидан олдин текислик ҳудудида етиштирилган узум меваси таркибида А (ретинол) витамин 0,4 %, B_1 (тиамин) ва B_2 (рибофлавин) 0,5 %, С (аскарбин кислота) 2,1 %, 30 кун сақлангандан сўнг витаминлар миқдори 0,3; 0,4; 0,5 ҳамда 2,1 % тенг эканлиги аниқланди.

11. Узум меваларини сақлашгача ва совуткичли омборларда 90 кун сақлаш жараёнида маҳсулотнинг сифат кўрсаткичлари: умумий қанд (20,1-20,8 %), биологик фаол моддалар (витамин А 03-05 %; B_1 (0,1-0,3 %), B_2 (0,2-0,5 %), С (1,7-2,2 %)) миқдори сезиларли даражада ўзгармаганлиги ва сақлаш давомийлигини 90 кундан оширмаслик лозимлиги илмий исботланган.

12. Тажриба натижаларига кўра узумнинг Таифи Розовый нави ҳосилини 90 кун давомида сақлаб, кейин уни сотувга чиқариш натижасида энг юқори иқтисодий самарадорлик тоғли ҳудудда (Тошкент вилояти “Паркент” тумани) кузатилди. Соф фойда 668 млн 170 минг сўмни ташкил этган бўлиб, рентабеллик даражаси 88,89 % бўлганлиги аниқланди.

13. Республикада узум етиштирадаган ва сақлайдиган фермер хўжаликларига:

узумни Таифи Розовый нави меваларини сифат кўрсаткичларини ва сақланувчанлигини ошириш мақсадида тоғли Қашқадарё вилояти “Китоб” тумани, Тошкент вилояти “Паркент” тумани ҳудудларда етиштириш;

узум меваларини совуткичли омборларда сақлаш жараёнида қадоклашдаги ҳарорат $0,5-1,5$ °С, дастлабки совитиш давомийлигини 6-16 соат дан оширмаслик;

совуткичли омборхоналарда узум меваларини ёғочли яшиқларда 6-8 кг миқдорда сақлаш;

узум маҳсулотни совутиш омборларида 90 кундан ортиқ сақлаш мақсадга мувофиқ эмаслиги тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
АГРАРНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ АГРАРНЫЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ШАМШИЕВ ЖАФАР АБДУСАЛИМОВИЧ

**НАУЧНОЕ ОБОСНОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ ПАРАМЕТРОВ
ХРАНЕНИЯ ВИНОГРАДА СОРТА ТОИФИ, ВЫРАЩИВАЕМОГО В
РАЗЛИЧНЫХ РЕГИОНАХ РЕСПУБЛИКИ**

**06.01.07 – Плодоводство и виноградарство
06.01.11 – Хранение и переработка сельскохозяйственной продукции**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2022.3.PhD/Qx681

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном аграрном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском и английском (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.tdau.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Исламов Сахиб Яхшибекович

доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Бўриев Хасан Чутбаевич

доктор биологических наук, профессор

Одинаев Мирзаамад Исаевич

Доктор философии (PhD) сельскохозяйственных наук

Ведущая организация:

**Научно-исследовательский институт садоводства,
виноградарства и виноделия имени академика
М.М.Мирзаева**

Защита диссертации состоится «___» июля 2022 года в 15⁰⁰ часов на Научного совета DSc.05/29.04.2022.Qx.13.04 при Ташкентском государственном аграрном университете (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Тел: (+99871) 260-48-00; факс: (+99871) 260-38-60;. e-mail: tgau@edu.uz. Административное здание Ташкентского государственного аграрного университета, 1-этаж, зал заседаний).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного аграрного университета (зарегистрировано под номером 539105). (Адрес: 100140, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 2. Ташкентский государственный аграрный университет, здание Информационно-ресурсного центра. Тел.: (+99871) 260-50-43).

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2022 года.

(реестр протокола рассылки номер 1 от «___» _____ 2022 года).

Э.Т. Бердиев

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.с.х.н.,
профессор

М.З. Холмуротов

Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.ф.с.х.н., доцент

С.А. Юнусов

Председатель научного семинара при
научном совете по присуждению учёных
степеней, д.с.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и необходимость темы диссертации. Экспорт и импорт столовых сортов винограда по всему миру меняется в соответствии с требованиями рынка каждый год в зависимости от погодных и климатических условий. В последние годы спрос на столовые сорта винограда с каждым годом увеличивается. В последних годах динамика роста урожайности столовых сортов винограда в мире составила более 4%, а средняя урожайность столовых сортов винограда, выращиваемых в мире, составила 23,4 млн тонн. Также ежегодный прирост урожая столовых сортов наблюдался в Китае - 10,8 млн т, в Индии - 3 млн т, в Италии - 78 тыс. т, в ЮАР - 300 тыс. т, в Чили - до 500 тыс. т. тонн. Считается важным использовать складские помещения для обеспечения населения виноградом в течение всего года.

Во многих странах мира ученые проводили исследования по сохранению винограда. В проведенных ими исследованиях они в основном сосредоточились на условиях хранения винограда, его упаковке и выборе сорта. Особенно с учетом того, что ученые Европы и США уделяют основное внимание технологии выращивания винограда, большинство исследований было проведено на винных сортах винограда. Также в Узбекистане ряд ученых проводили исследования по сохранению винограда. Однако научных исследований о влиянии климатических особенностей региона выдержки винограда на срок годности винограда недостаточно. По этой причине важно изучение зависимости географических особенностей района выращивания винограда от его технологических параметров, а также научное обоснование оптимальных технологических параметров в процессе хранения.

Сегодня обеспечение продовольственной безопасности и обеспечение населения качественными продуктами питания в течение всего года является одним из наиболее актуальных вопросов. В последние годы в нашей стране особое внимание уделяется коренному увеличению объемов производства продуктов питания, их ассортимента и экспортного потенциала. Для дальнейшего развития Республики Узбекистан на 2022-2026 годы 3-е направление Стратегии развития, разработанной на основе принципа «От Стратегии действий к Стратегии развития», «через интенсивное развитие сельского хозяйства на научной основе, увеличить доходы дехкан и фермеров не менее чем в 2 раза, отдельно оговариваются вопросы доведения ежегодного прироста не менее чем до 5 процентов»¹.

